



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Amir Temur ko'chasi, 4-uy, tel.: (0366) 456-15-89 faks.: (0366) 456-10-01

2019 у.г. «20» май

№ 1200-Қ

Каттақўрғон ш. – г. Каттакурган

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотилган ер майдонини ажратиб ва қурилишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли ҳамда 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5552 сонли Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30-июндаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “YER ELEKTRON” тизимидан олинган Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг №YU 0707-000007 сонли баённомаси ҳамда тааллуқли ташкилотларнинг ҳулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг №YU 0707-000007 сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Мазкур баённомага мувофиқ ер участкаси 1 532 638,80 сўм (бир миллион беш юз ўттиз икки минг олти юз ўттиз саккиз)сўм 80 тийин баҳога сотилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида 2019 йил 2 феврал куни ўтказилган электрон очик аукцион орқали фуқаро Ишқуватова Холнисо Шаймановна (AA 4617954 СТИР 601928930)га сотилган Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўргони Каттақўрғон маҳалласи ҳудудида жойлашган 0,02 га (ер участкасининг рақами №1718406-ZU/11997, ЛОТ рақами 0043016) ер майдони “Савдо дўкони” қуриш учун ажратилсин ва қурилишга рухсат берилсин.

3. Фуқаро Ишқуватова Холнисо Шаймановнага:

- Ушбу ерга шаҳар ҳокимининг 2019 йил 22 декабрдаги 2440-Қ-сонли электрон аукцион орқали сотишга рухсат бериш тўғрисидаги қарориди кўрсатиб

Ўтилган мажбуриятларни бажариш жумладан;

- қурилиш ишларини 2019 йил 31 декабр санасигача тўлиқ битказиш ва ишга тушириш;

- Маҳаллий аҳоли учун (камида) 2 та доимий иш ўринлари яратиш;

- киритиладиган инвестиция миқдори (камида) 100 000 000 (юз миллион)

сўм;

- лойиҳанинг умумий қийматига ўз маблағларини жалб этиш миқдори, шу жумладан тўғридан тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар (камида %-фондда) 100%;

- мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланмаслик;

- объектни қуришда шаҳарсозлик хулосасида кайд қилинган талаблар ва бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарориди кўрсатилган регламент асосида қурилиш ишларини лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1, АРТ-2), лойиҳа ва бошқа тегишли ҳужжатларини тайёрлаш;

- санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, Давлат Экологик экспертиза хулосасини олиш, кабель тармоғини ўз ҳисобидан хавфсиз жойга кўчириш;

- ҳар қандай қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришда ҳамда келгуси фаолият даврида шу ҳудудда ободонлаштириш ишларига доимий эътибор қаратиш, кўшни мулк эгалари манфаатларига зиён етказмаслик ва уларнинг тинчлик осойишталигини бузмаслик, экологик талаблар, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига катъий амал қилиш вазифалари юклатилсин.

Мазкур шартлар бажарилмаган ва объект ўз вақтида ишга туширилмаган ҳолатда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги Давлат ер захира фондига қайтариш ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши инобатга олинсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси Ш.Камаловга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ер участкасини ажратиш ва ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш вазифаси юклатилсин.

5. “Ермулккадастр” ДК шаҳар филиали (У.Туропов)га фуқаро Ишқуватова Холнисо Шаймановна томонидан сотиб олинган 0,02 га ер майдонини юқоридаги мажбуриятларни бажаргунга қадар вақтинча (2020 йил 22 декабр) муддатда фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (С.Рустамов)га фуқаро Ишқуватова Холнисо Шаймановна томонидан амалдаги тартибга мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундирилишини доимий назоратга олиш топширилсин.

7. Мазкур ер участкасида қурилиш ишларини мониторинг қилиб бориш шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:



М.Хашимов